

МЕДИАТАЪЛИМ АСОСИДА АСТРОНОМИЯ ДАРСЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШГА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШИШ МЕТОДИ

Бозорова Азиза

Навоий давлат педагогика институти талабаси

Намозова Нилуфар

Навоий давлат педагогика институти талабаси

Илмий раҳбар: Сайфуллаева Гулҳаё Ихтиёр қизи

Аннотация; Ҳозирда ОАВ орқали тарқатилаётган астрономик мазмундаги медиахабарларни таҳлил қилиш натижаси, уларнинг кўпчилигида дидактиканинг илмийлик принципи бузилганлигини кўрсатмоқда.

Калит сўзлар : Медиатаълим, дарслар, астрономик, мактаб, ОАВ.

Бу эса ўқувчиларда астрономик тушунчаларни нотўғри идрок қилинишига олиб келмоқда. Илмий асосга эга бўлмаган ҳар қандай билимлар ўқувчиларда нотўғри тушунчаларнинг шаклланишига замин бўлади. Астрономияни ўқитишда кўшимча ахборот манбаи сифатида замонавий ОАВ дан фойдаланиш етарлича ижобий натижа бериши мумкин. Лекин мактабдан ташқари маълумотлар билан ишлашнинг самарали ва мақбул ёндашувларни топиш учун қуйидаги саволларга ҳам жавоб топиш керак бўлади:

ОАВ ва Интернет қай даражада мактаб астрономия фанини ўқитишда мумкин?

Бизни қизиқтирган мавзулар бўйича ОАВ нинг хабарлари қанчалик профессионал ва объектив ҳисобланади?

Астрономик мазмундаги илмий асосланмаган маълумотлар тарқатадиган нашрларнинг хабарларига мактаб ўқувчилари томонидан қай даражада танқидий муносабат билдирилади?

ОАВ хабарларини танқидий таҳлил қилиш учун қандай янги билим ва кўникмалар талаб этилади?

Бизга маълумки, бугунги кунда ОАВ да турли хил астрономик мазмундаги медиахабарларни кўриш мумкин. Бир қатор ОАВ маълумотларини тўплашнинг бошида илмий асоси, мавзуларнинг сифати,

ишончлилиқ даражаси, фойдаланиш имконияти ва бошқалар бўйича ахборот муҳитининг аниқ тавсифи йўқлиги аниқланди. Бу фикримизга асосни қуйидагича кўрсатишимиз мумкин.

1. Астрономик мазмундаги медиахабарлар шакли, ҳажми, тушунчаларни қамраб олиш доираси, тақдим этиш усули, мурожаат қилиш усули ва тўғрилиқ даражаси бўйича чексиз ҳамда хилма-хилдир. Шунинг учун уларни битта қолипга бирлаштириб бўлмайди.

2. Тадқиқотнинг ўзига хос хусусиятларига мувофиқ, фанга ёки таълим тизимига алоқадор бўлмаган манбаларга ҳам эътибор қаратиш жоиздир.


3. Бир қатор ҳолатларда илмий маълумотнинг ва тақдим этилган фактларнинг ишончилигини баҳолаш касбий тажрибани талаб қилади.

Астрономик мазмундаги ОАВ хабарларида қоида тариқасида мутахассиснинг сўзлари воситачи (журналист) томонидан кенг оммага тарқатиш учун мослаштирилган ҳолда қайта ёзиб чиқилади. Бундай ҳолда субъектни танлаш яна мутахассис вазифасини бажарадиган журналистга тегишли бўлади. Шунга кўра, бу ролни нафақат астрономия соҳасидаги профессионал олим, балки ҳаваскор астроном, мунажжим, фокусчилар, машҳур кўшиқчи ва бошқалар ҳам ижро этиши мумкин

Шундай қилиб, бу каби хабарларда манба ва таржима хатолари мавжуд бўлади. Ваколатли одам билан боғланиш ва ҳатто у билан суҳбат ҳам маълумотларнинг тўғрилигини кафолатламайди.

Астрономия бевосита инсоният келажаги билан боғлиқ фан бўлганлиги учун бу фан бўйича ОАВ да тарқатилаётган медиахабарларнинг ўқувчилари сони бошқа соҳаларга нисбатан кўп бўлади. Шунинг учун машҳур бўлишни истаган баъзи бир “уддабронлар” айнан астрономия фани бўйича “сенсация”ларни тарқатишади. Буларнинг кўпчилиги эса илмий асосга эга бўлмайди. Бунги кунда мамлакатимизнинг кўплаб веб сайтларида ҳам шундай хато медиахабарлар учраб турибди.

Юқоридаги мақсад, вазифалар, тузилма ва кўникмалар тизимидаги таклифларни инобатга олиб, қуйида медиатаълим асосида астрономия дарсларини ташкил этишга инновацион ёндашиш методини келтириб ўтмоқчимиз. Бу ўқитиш методида астрономиянинг барча бўлимлари бўйича, барча машғулотларга медиатаълимни жорий қилиш бўйича тавсиялар тизими кўрсатилган



Медиа таълим асосида астрономия дарсларини ташкил этишга инновацион ёндашиш методи.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Гладышева Н. К. Теоретические основы преподавания физики в основной школе. Автореф. дис...д-ра пед. наук. – М., 1997. – С. 39.
2. Karrieva, Y. (2020). Strategy of functioning of logistics companies in Uzbekistan. Архив научных исследований.
3. Karrieva, Y. (2020). Транспорт хизматлари бозорини ривожлантириш йўллари. Архив научных исследований, (19).
4. Karrieva, Y. (2020). Автомобил транспорт тизимида логистикани қўллашнинг илмий-услугий асослари. Архив научных исследований, (19).
5. Karrieva, Y. (2020). Логистические процессы во внешнеэкономической деятельности. Архив научных исследований, (14).
6. Karrieva, Y. (2020). Инновационное развитие транспортной системы Узбекистана. Архив научных исследований.
7. Karrieva, Y. (2020). Основные аспекты подготовки профессиональных кадров в системе непрерывного образования. Архив научных исследований.
8. Karrieva, Y. (2020). Транспорт ва коммуникация инфратузилмаси ривожланишини таъминловчи янги лойиҳалар. Архив научных исследований.
9. Karrieva, Y. (2020). Развития транспортных коридоров для перевозки экспортных грузов Узбекистана (Журнал Биржа Эксперт 2012г.№ 1-2). Архив научных исследований.
10. Karrieva, Y. (2020). Автомобил транспортининг ташкилий-иқтисодий ишончлилик мезонлари. Архив научных исследований.
11. Karrieva, Y. (2020). Транспортная составляющая логистических систем при внешнеторговых операциях. Архив научных исследований.
12. Karrieva, Y. (2020). Принципы координации деятельности автомобильного транспорта. Архив научных исследований.
13. Гомулина Н.Н. Применение новых информационных и телекоммуникационных технологий в школьном физическом и астрономическом образовании. Дисс...канд.пед.наук. – Москва, 2003. – 219 с.
14. Дик Ю.И., Коровин В.А. Программы для общеобразовательных учреждений: Физика. Астрономия. 7–11 кл. / – 2-е изд., испр. – М.: Дрофа, 2001. – 256 с.
15. Дмитриева Н.В. Формирование научного мировоззрения в космическом образовании школьников. Автореферат дис...кан.пед.наук. – Москва, 2011. – 25 с.
16. Емец Н.П. Использование интерактивных компьютерных моделей в обучении астрономии студентов физических специальностей педагогических вузов. Автореферат дис...кан.пед.наук. – Санкт-Петербург, 2009. – 19 с.

17. Жури́н А. А. Разработка интерактивных средств обучения химии и условия их эффективного использования: Дисс ... канд. пед. наук. – М., 1996. – 178 с.